

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

.. II “ июнь 2018 й. г. № 44I

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Андижон вилоятининг Пахтаобод туманида аҳоли бандлигини
таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида**

Андижон вилоятининг Пахтаобод туманида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, рақобатбардош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, замонавий хизматлар кўрсатиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашда интенсив технологияларни қўллаш орқали мавжуд ер ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига иш билан таъминланмаган аҳоли, айниқса хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш, шунингдек, республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам аҳоли бандлигини оширишга қўшимча шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Андижон вилоятининг Пахтаобод туманида 2018 йилда кафолатланган иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш бўйича “йўл харитаси” (кейинги ўринларда – “Йўл харитаси” деб юритилади) 1-иловага мувофиқ;

Андижон вилоятининг Пахтаобод туманида 2018 йилда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, миллий хунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш йўналишларида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг манзилли рўйхатлари 2-5-иловаларга мувофиқ;

Андижон вилоятининг Пахтаобод туманида 2018 йилда ташкил этиладиган нодавлат мактабгача таълим муассасаларининг ва хусусий тиббиёт муассасаларининг манзилли рўйхатлари 6-7-иловаларга мувофиқ;

Андижон вилоятининг Пахтаобод туманида 2018 йилда ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш режаси 8-иловага мувофиқ;

Андижон вилоятининг Пахтаобод туманида 2018 йилда кафолатланган иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш “йўл харитаси” параметрларини бажарилишини таъминлаш юзасидан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика ишчи гуруҳи таркиби (кейинги ўринларда – Республика ишчи гуруҳи деб юритилади) 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика ишчи гуруҳи:

“Йўл харитаси”да назарда тутилган чора-тадбирларни белгиланган муддатларда амалга оширилишини доимий назорат қилиниши, давлат ва хўжалик

бошқаруви, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштирилишини;

муаммоли масалаларни ҳар ойда жойига чиқиб ўрганиб борилишини, уларни тезкорлик билан ҳал этишда амалий чоралар кўрилишини таъминласин.

Республика ишчи гуруҳига зарур ҳолларда лойиҳаларни қиймати ва иш ўринлари сони сақлаб қолинган тақдирда “Йўл харитаси”га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

икки ҳафта муддатда Андижон вилоят ҳокимлиги билан биргаликда Пахтаобод тумани секторлари ва маҳаллалари кесимида 2018 йил давомида ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш, ишсизларни касбга тайёрлашнинг манзилли дастурини тасдиқласин ҳамда мазкур дастур бажарилиши учун зарур бўлган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси ва Ўзбекистон Республикасининг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан ажратилишини таъминласин;

2018 йилнинг 1 октябрига қадар Андижон вилояти Пахтаобод тумани аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази биносини Ўзбекистон Республикасининг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қайтадан қуриб, фуқароларга “ягона дарча” тамойили асосида бандлик соҳасидаги хизматлар кўрсатишни ҳамда чет элларга кетаётган фуқароларни олдиндан кўниктириш марказини ташкил этсин.

4. Андижон вилояти ҳокимлиги икки ой муддатда:

“Ўзтўқимачиликсаноати” уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда Пахтаобод туманидаги “Олтин мато текс” МЧЖ негизида пахта тўқимачилик кластерини ташкил қилиш юзасидан аниқ таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда Пахтаобод туманида илгари хусусийлаштирилган қурилиши тугалланмаган объектларни ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказсин ва улар фаолиятини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган “Йўл хариталари”ни тасдиқланишини ҳамда белгиланган параметрларни бажарилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК билан биргаликда туманнинг “Маданият” ва “Бўстон” қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларидаги 2 минг гектар паст рентабелли ер майдонларида экспортбоп мева-сабзавот, полиз ва бошқа кўп йиллик қишлоқ хўжалиги экинлари плантацияларини ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Пахтаобод туманида шоли етиштиришни кўпайтириш мақсадида шолчилик фермер хўжаликларини мақбуллаштирасин ва қўшимча иш ўринлари ташкил этилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда конун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш

ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Молия вазири Ж.А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Ш.Д. Кудбиев ва Андижон вилояти ҳокими Ш.Қ. Абдурахмонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “11” июндаги 44Г-сон қарорига
1 – илова

Андижон вилоятининг Пахтабод туманида 2018 йилда кафолатланган иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш бўйича “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Тахминий харажат (млн. сўм)	Молиялаш-тириш манбаи	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
I. Янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, хизмат кўрсатиш, кишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларни ривожлантириш орқали барқарор иш ўринлари ташкил қилиш						
1.	Ишлаб чиқариш соҳасида 42 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобидан 1725 та иш ўринлари ташкил қилиш.	1. Туман бўйича “йўл хартаси”нинг манзилли рўйхатини шакллантириш ва ҳар бир лойиҳа бўйича тармоқ жадвалларини тасдиқлаш. 2. Лойиҳаларни молиялаштириш масалаларини ҳал этиш ва технологик ускуналарни ўрнатиш. 3. Лойиҳаларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш, мавжуд муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш.	28,1 млрд.сўм 20,2 млрд.сўм	Тижорат банклари кредитлари Ўз маблағлари	2018 йил июль Тармоқ жадвалига мувофиқ	Андижон вилояти ҳокимлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
2.	Кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасида 42 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобидан 777 та иш ўринларини ташкил қилиш.	1. Туман бўйича “йўл хартаси”нинг манзилли рўйхатини шакллантириш ва ҳар бир лойиҳа бўйича тармоқ жадвалларини тасдиқлаш. 2. Лойиҳаларни молиялаштириш масалаларини ҳал этиш ва технологик ускуналарни ўрнатиш. 3. Лойиҳаларни амалга оширилиши мониторинг қилиш, мавжуд муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш.	10,5 млрд.сўм 11,8 млрд.сўм	Тижорат банклари кредитлари Ўз маблағлари	2018 йил июль Тармоқ жадвалига мувофиқ	Андижон вилояти ҳокимлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Тахминий харажат (млн. сўм)	Молиялаштириш манбаи	Амалга ошириш мuddати	Масъул ижрочилар
3.	Қишлоқ хўжалиги соҳасида 20 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобидан 363 та иш ўринларини ташкил қилиш.	1. Туман бўйича “Йўл хартаси”нинг манзилли рўйхатини шакллантириш ва ҳар бир лойиҳа бўйича тармоқ жадвалларини тасдиқлаш. 2. Лойиҳаларни молиялаштириш масалаларини ҳал этиш ва технологик ускуналарни ўрнатиш. 3. Лойиҳаларнинг амалга оширилиши мониторинг қилиш, мавжуд муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш.	4,2 млрд.сўм 13,3 млрд.сўм	Тижорат банклари кредитлари Ўз маблағлари	2018 йил июль Тармоқ жадвалига мувофиқ	Андижон вилояти ҳокимлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
4.	Миллий хунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш орқали 162 та лойиҳаларда 895 нафар фуқароларни бандлигини таъминлаш.	1. “Йўл хартаси”га киритилган лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш. 2. Хунармандларга АТБ “Микрокредитбанк”нинг имтиёзли кредитларини олиш учун хужжатлар расмийлаштиришга кўмаклашиш ва кредит ажратирилишини таъминлаш; 3. Хунармандга маҳсулот ишлаб чиқариш учун хом ашё маҳсулотлари етказиб берувчини аниқлаш ва ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотишда кўмаклашиш.	2,6 млрд.сўм 1,5 млрд.сўм	Ўз маблағи АТБ “Микрокредит банк”нинг имтиёзли кредитлари	2018 йил июль Тармоқ жадвалига мувофиқ	Савдо-саноат палатаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, АТБ “Микрокредитбанк”, Андижон вилояти ҳокимлиги
5.	Пахтабод туманида 18 та нодавлат мактабгача таълим ва 7 та хусусий тиббиёт муассасаларини ташкил қилиш орқали 205 та иш ўринлари ташкил қилиш.	1. Манзилли рўйхатга киритилган нодавлат таълим ва хусусий тиббиёт муассасаларини ташкил қилиш лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш. 2. Манзилли рўйхатга киритилган объектлар учун бино ва ер ажратиш масалаларини ҳал этиш.	11,7 млрд.сўм 6,8 млрд.сўм	Тижорат банклари кредитлари Ўз маблағлари	2018 йил июль Тармоқ жадвалига асосан	Андижон вилояти ҳокимлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Тахминий харажат (млн. сўм)	Молиялаштириш манбаи	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
6.	Тумандаги хусусийлаштирилган ва кам қувват билан ишлаётган корхоналарни Давлат рақобат қўмитаси вилоят ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда туманда тўлиқ хатловдан ўтказиш ва хар бири бўйича “йўл харита”ларини ишлаб чиқиш.	1. Тумандаги бўш турган, фаолият кўрсатмайдиган, қурилиши тугалланмаган, кам қувватли объектларни тўлиқ хатловдан ўтказиш. 2. Хар бир объект бўйича мулкдорларни аниқлаб, фаолиятини йўлга қўйиш ёки мулк шаклини ўзгартириш юзасидан “йўл харита”си ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Аввал хусусийлаштирилган объект (корхоналар) бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 февралдаги ПҚ-2796-сон қарорига мувофиқ таъсир чораларини қўллаш орқали уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш. 4. Аввал хусусийлаштирилган корхоналарга нисбатан иқтисодиёт соҳасига оид қонунчиликка ўзгартириш киритиш бўйича аниқ таклифлар тайёрлаш.			2018 йил июль	Давлат Рақобат қўмитаси, Андижон вилояти ҳокимлиги
7.	Туманда рекреация ва дам олиш хизматларини ривожлантириш масаларини ўрганиб таклифлар тайёрлаш	1. Қорадарё бўйида аҳоли учун дам олиш жойини ташкил этиш чораларини кўриш. 2. Мавжуд зиёратгоҳларга (Ховузкан ота ва бошқаларни) сайёҳлар оқимини кўпайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаш. 2. “Маданият сихатгоҳи” санаторийси қувватини ошириш ва	Ҳисоб – китобларга асосан	Тижорат банклари кредитлари Ўз маблағлари	Йил давомида	Андижон вилояти ҳокимлиги, Тижорат банклари

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Тахминий харажат (млн. сўм)	Молиялаштириш манбаи	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
		жихозланишини таъминлаш (қўшимча инвестиция жалб қилиш ҳисобидан замонавийлаштириш, кредит ажратиш) масалаларини ҳал этиш.				
8.	Тумanning “Маданият” ва “Бўстон” қишлоқ фуқаролар йиғинлари худудларидаги хосилдорлиги паст бўлган 2 минг гектар ердан самарали фойдаланишни ташкил қилиш ҳисобидан мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳамда экспорт ҳажмини ошириш.	1. Тумanning “Маданият” ва “Бўстон” қишлоқ фуқаролар йиғинлари худудларидаги хосилдорлиги паст бўлган 2 минг гектар ерни хагловдан ўтказиш ва ушбу ерларда кейинги йилларда пахта-ғалла етиштиришни тўхтатиб, бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш имкониятлари бўйича аниқ таклифлар тайёрлаш. 2. Мазкур ерларга қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, тақрорий ва тўқсонбости экинлар экиш бўйича “йўл харита”лари ишлаб чиқиш; 3. Мазкур ер майдоларида малина етиштириш имкониятларини алоҳида ўрганиш ва Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.			2018 йил июль	Андижон вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Фермерлар кенгаши
9.	Туманда шолчиликни ривожлантириш ҳисобидан 487 гектар ерда шолчилик билан шуғулланаётган 107 та фермер хўжаликлари фаолиятини мақбуллаштириш орқали қўшимча 786 нафар фуқаронинг бандлигини таъминлаш	1. Туман ҳокимлигида ишчи гуруҳи тузиш. 2. Шолчилик фермер хўжаликларининг охириги 3 йиллик фаолиятини таҳлил қилиш, танқидий ўрганиш ва хулоса тайёрлаш. 3. Туман ҳокимлиги комиссиясида хар бир фермер хўжалиги фаолияти			2018 йил июль	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Тахминий харажат (млн. сўм)	Молиялаштириш манбаи	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
		бўйича қарор қабул қилиш. 4. Шолчиликка ихтисослаштирилган 487 гектар ер майдонлари негизда 1 – 2 гектарлик қўшимча 135 та фермер хўжалиқларини ташкил қилиш.				
10.	Қўл тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантириш ҳисобидан қўшимча иш ўринларини ташкил қилиш.	1. Фермер хўжалиқларини ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқиш. 2. Шахсий ёрдамчи хўжалиқларни интенсив ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш. 3. Фуқаролар бандлигини таъминлаш чораларини кўриш.	Ҳисоб – китобларга асосан	Ўз маблағлари Банк кредитлари ҳисобига	2018 йил август	Андижон вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
II. Аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини манзилли қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари						
11.	Тумандаги 5754 нафар ишсиз аҳолини вақтинчалик, мавсумий ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш	1. Бўш иш ўринлари ва жамоат ишлари ярмаркаларини ўтказиш бўйича режа-жадвални тасдиқлаш ва ярмаркаларни белгиланган муддатларда ўтказиш. 2. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этиш истагини билдирган фуқаролар хужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштириш. 3. Жамоат ишлари ташкил қиладиган корхоналар, МФЙлар буюртманомаси асосида ишсиз фуқароларга йўлланмаларни расмийлаштириш. 4. Иш берувчи корхоналар, МФЙлар билан тузилган шартномаларга мувофиқ Жамоат	1,9 млрд.сўм	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси	Тасдиқланган режа-жадвалга асосан Дойимий	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги
			1,1 млрд.сўм	Иш берувчи маблағлари		

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Тахминий харажат (млн. сўм)	Молиялаштириш манбаи	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
		ишлари жамғармаси ҳисобидан қопланадиган маблағларни молиялаштириш чораларини кўриш. 5. Фуқароларнинг ишларида иштирок этишини мониторинг қилиб бориш.				
12.	Ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган 480 нафар фуқаро учун квоталанган иш ўринларини захира қилиш ва кўп болали, ногирон фарзанди бор, ёлғиз аёлларни, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахслар, қуролли кучлар сафидан захирага бўшатиш ва бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифадаги фуқароларни ушбу иш ўринларига жойлаштириш	1. Иш ўринлари квоталанган корхоналарга ишсиз фуқароларни тоифаси бўйича бириктириш. 2. Иш ўринларини квоталаш белгиланган корхонада ушбу фуқаролар учун иш ўринларини ташкил қилиш (вакант қилиш)ни назорат қилиш; 3. Квоталанган иш ўринларига фуқароларни ишга жойлаштириш учун йўлланмалар бериш ва уларнинг ишга жойлаштирилишини таъминлаш.	Штаблар жадвалига асосан	Иш берувчи маблағлари	2018 йил август Доимий	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Андижон вилояти ҳокимлиги
13.	Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва тижорат банклари кўмагида 18 нафар ёш тадбиркорни қўллаб – қувватлаш орқали 150 та иш ўрини ташкил қилиш.	1. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ёшлар фаолиятини кенгайтириш учун бизнес-режалар ишлаб чиқиш. 2. Тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш бўйича тармоқ жадвалларини тасдиқлаш. 3. Кредит ажратиш ва лойиҳаларнинг ишга туширилишини таъминлаш.	1,2 млрд.сўм 800 млн.сўм	Тижорат банклари кредитлари Ўз маблағи	2018 йил август Тармоқ жадвали асосида	Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Марказий банк, тижорат банклари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги,
14.	Ишсиз ёшларни, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчилари, қуролли кучлар сафидан захирага бўшатишган фуқаролар	1. Ишсиз ёшлар, шу жумладан касб-хунар коллежлари битирувчилари, қуролли кучлар сафидан захирага бўшатишган			2018 йил июль	Андижон вилояти ҳокимлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Тахминий харажат (млн. сўм)	Молиялаштириш манбаи	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
	бандлигини таъминлаш бўйича аниқ манзилли тадбирларни амалга ошириш.	фуқаролар рўйхатларини шакллантириш. 2. Битирувчиларни 4 томонлама шартномалар асосида иш берувчи қорхоналарга амалиёт ўташ ва кейинчалик ишга жойлаштириш учун олдиндан бириктириш; 3. Шакллантирилган рўйхат асосида ёшлар бандлигини таъминлаш юзасидан дастур ишлаб чиқиш. 4. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагидаги коллеж битирувчиларига имтиёзли кредитлар олишга қўмаклашиш. 5. Коллеж битирувчилари бандлигининг таъминлаш учун мониторингини таъминлаш college.mehnat.uz, military.mehnat.uz электрон дастурларини жорий этиш.	Ажратилган маблағлар доирасида имтиёзли кредитлар ажратиш	Тижорат банклари	2018 йил июль 2018 йил август Йил давомида 2018 йил июль	вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Республика тижорат банклари
15.	Уйма-уй юриб ўрганиш натижасида аниқланган ночор, кам таъминланган фуқаролар, оғир шaroитда яшаётган аёллар, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахслар, қуроли кучлар сафидан захирага бўшатишган фуқаролар бандлигини таъминлаш.	1. Рўйхатга мувофиқ фуқароларни аниқ қорхона ва ташкилотларга бириктириш. 2. Ишга жойлашишга қўмаклашиш учун хужжатларни расмийлаштиришда ёрдамлашиш. 3. Бандлигини таъминлаш чораларини кўриш.			2018 йил июль Дастур асосида	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Андижон вилояти ҳокимлиги
16.	Маҳаллада аниқланган 404 нафар ишсиз фуқарони касбга тайёрлаш орқали ишга жойлаштириш, “Уста шогирд” усулида уларнинг	1. Касбга ўқитишга тайёр бўлган фуқароларни белгиланган тартибда ҳисобга олиш. 2. Касбга тайёрлаш бўйича			2018 йил июль	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Тахминий харажат (млн. сўм)	Молиялаш-тириш манбаи	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
315	нафарини хунарымандчиликка ўқитиш.	фаолият кўрсатаётган таълим муассасалари ва корхоналарни аниқлаш ва фуқароларни касбга тайёрлаш юзасидан шартномалар тузиш. 3. Фуқароларга касбий тайёргарликдан ўтишлари учун йўлланмалар бериш, ўқув харажатлари ва стипендиялар тўланишини таъминлаш. 4. Касбга тайёрланган фуқаролар бандлигини таъминлаш чораларини кўриш.	417,5 млн.сўм	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	Шартномага мувофиқ 2018 йил сентябрь	
17.	Пахтабод туманида фуқароларга “ягона дарча” тамойили асосида фуқароларга бандлик ва меҳнат муносабатлари соҳасидаги комплекс хизматларни кўрсатишни ташкил қилиш	1. Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ходимларининг малакасини ошириш, аҳолига бандлик ва меҳнат муносабатлари соҳасида комплекс хизматлар кўрсатиш бўйича методик жиҳатдан таъминлаш. 2. Аҳоли бандлигига кўмаклашиш биносини реконструкция қилиш орқали “ягона дарча” тамойили асосида фуқароларга бандлик ва меҳнат муносабатлари соҳасидаги комплекс хизматлар кўрсатишни ташкил қилиш. 3. Пахтабод тумани АБКМ биносини қайта қуриб, Миграция маркази, ўқув курсларини ташкил қилиш.	750 млн.сўм 250 млн.сўм	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги маблағлари	2018 йил июль 2018 йил сентябрь 2018 йил сентябрь	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири
18.	Ташқи меҳнат масалалари агентлигининг миграцияси	1. Ташкиллаштирилган тартибда хорижга меҳнат фаолиятини амалга			2018 йил июль	Бандлик ва меҳнат муносабатлари

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Тахминий харажат (млн. сўм)	Молиялаштириш манбаи	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
	филиали орқали маҳалла ҳудудида яшайдиган хорижда ишлаш истагини билдирган фуқароларни ташкиллаштирилган равишда хорижга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун юборишга қўмаклашиш	ошириш учун бориш истагини билдирган фуқаролар рўйхатини шакллантириш. 2. Фуқароларни хорижий тилни ўрганиш учун йўналтириш ва уларнинг хорижий тиллар бўйича билим даражасини аниқлаш. 3. Хорижий иш берувчилар ва ишлаш истагини билдирган шахслар ўртасида суҳбатни ташкил қилиш орқали номзодларни танлаш. 4. Танловдан муваффақиятли ўтган ва белгиланган тартибда тайёргарликдан ўтган шахсларни ташкиллаштирилган равишда хорижга ишлаш учун юбориш ва мониторингни амалга ошириш.			2018 йил июль	вазирлиги
19.	Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини тиклаш, иш ҳақини ундириш ва бошқа меҳнат муносабатлари билан боғлиқ масалаларда қонунчиликда белгиланган тартибда амалий ёрдам кўрсатиш.	1. Фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда семинар ва сайёр қабуллар ўтказиш режа-жадвалини тасдиқлаш. 2. Семинар ва сайёр қабулларни ўтказиш жараёнида келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш ва мурожаатчининг муаммоларини ҳал этиш чораларини кўриш. 3. Меҳнат ҳуқуқлари таъминланишининг мониторингини ўтказиш.			2018 йил август Режа-жадвали асосида	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги,
	Жами:	291 та лойиҳа	117 219, 0			

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил " 11 " ИЮНДАГИ **441** - сон қарорига
2 - илова

**Андижон вилояти Пахтабод туманида 2018 йилда ишлаб чиқариш соҳасида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ**

№	Лойиҳа ташаббускори	Лойиҳа номи	Лойиҳанинг умумий қиймати, млн.сўм	шундан		Янги иш ўринлари	Ишга тушириш муддати	Хизмат кўрсатувчи банк
				ўз маблағи	банк кредити			
42		ТУМАН БЎЙИЧА ЖАМИ	48 328	20 205	28 123	1 725		
12	Енгилсаноатда		28 200	8 560	19 640	1 034		
1	"Бизнес эркин тек" МЧЖ	Тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш (йилига 3 млн.п.м)	16 000	2 000	14 000	220	2018 йил ноябрь	"Миллий банк" АТБ
2	"Нилуфар" МЧЖ*	Йилига 2 млн.дона трикотаж маҳсулотлари	5 000	1 500	3 500	200	2018 йил ноябрь	"Ипак йўли банк" АТБ
3	"Бўстон крафт текстил" МЧЖ	Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш	2 000	2 000		150	2018 йил июль	"Ҳамкор банк" АТБ
4	"Маданият шафоат нури" МЧЖ	Трикотаж ва тикув маҳсулотлари	2 220	600	1 620	100	2018 йил август	"Алоҳа банк" АТБ
5	"Пахтабод нотўқима" МЧЖ	Нотўқима мато ишлаб чиқариш	200	200		90	2018 йил август	"Ипотека банк" АТБ
6	"Маданият Интернешнл" МЧЖ	Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш	370	300	70	80	2018 йил июль	"Миллий банк" АТБ
7	"Дилноз" ХК	Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташқил этиш	1 200	1 200		75	2018 йил август	"Ипак йўли банк" АТБ
8	ЯТТ "Юлдашев Лутфилло"	Трикотаж маҳсулотлари	400	400		72	2018 йил июнь	"Саноатқурилиш банк" АТБ
9	ЯТТ "Ҳаётбек Рўзиматов"	Тирикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш	90	10	80	20	2018 йил июль	"Халқ банки" АТБ
10	ЯТТ "Тожибоев Омаджон"	Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш	200	100	100	10	2018 йил июль	"Агро банк" АТБ
11	"Келажак" ФХ	Трикотаж маҳсулотлари ва асарларчилик	300	200	100	10	2018 йил июль	"Агро банк" АТБ

№	Лойиха ташабуускори	Лойиха номи	Лойханинг умумий қиймати, млн.сўм	шундан		Янги иш ўринлари	Ишга тушириш муддати	Хизмат кўрсатувчи банк
				ўз маблағи	банк кредити			
12	ЯТТ "Ғанижова Хуснидахон"	Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташқил этиш	220	50	170	7	2018 йил июль	"Микрокредит банк" АТБ
17	Қурилиш материаллари саноатида		15 555	9 245	6 310	517		
13	"Қурилиш материаллари комбинати" МЧЖ	Темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда янги маҳсулот турларини ўзлаштириш	1 400	400	1 000	85	2019 йил ноябрь	"Ҳамкор банк" АТБ
14	"Йўл соз" МЧЖ	Майдаланган тош ишлаб чиқариш ва карьер ташқил этиш	1 500	1 000	500	70	2018 йил июль	"Қишлоқ қурилиш банк" АТБ
15	"Азизбек" МЧЖ	Қирқилган тош ва ювилган қум ишлаб чиқариш	1 500	300	1 200	50	2018 йил сентябрь	"Миллий банк" АТБ
16	"Пахтабод шағал саралаш" МЧЖ	Қирқилган тош ва ювилган қум ишлаб чиқариш	2 830	400	2 430	50	2018 йил июль	"Миллий банк" АТБ
17	"Шоҳрухбек бунёдкор элегант" МЧЖ	Қурилиш материаллари (саген, мел, эмулция) ва мебель	300	300		40	2018 йил июль	"Микрокредит банк" АТБ
18	"Донг Жу Пейтинг" МЧЖ	Қурилиш материаллари (арболит панел)	350	200	150	30	2018 йил август	"Асака банк" АТБ
19	"Балиқчи туман йўллардан фойдаланиш" УК	Майдаланган тош ишлаб чиқариш ва карьер ташқил этиш	500	500		30	2018 йил июль	"Ипотека банк" АТБ
20	"Равон ҳамкор" МЧЖ	Қурилиш материаллари (бетон ғишт, латок, девор коплама), ёғоч плорама, брустчатка	300	100	200	30	2018 йил сентябрь	"Қишлоққурилиш банк" АТБ
21	"Юквалиш буюк ишончи" МЧЖ	Полимер паркет пол ишлаб чиқариш	1 500	1 500		30	2018 йил сентябрь	"Саноатқурилиш банк" АТБ
22	"Кўприклардан фойдаланиш" УК	Майдаланган тош ишлаб чиқариш ва карьер ташқил этиш	3 500	3 500		20	2018 йил август	"Ипотека банк" АТБ
23	"Пахтабод қурилиш материаллари корхонаси" МЧЖ	Ювилган қум ҳамда тош ишлаб чиқариш	220	220	0	17	2018 йил декабрь	"Миллий банк" АТБ
24	"Пахтабод темир бетон буюмлари" МЧЖ	Мавжуд ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш (ЖБИ)	700	100	600	15	2018 йил июнь	"Миллий банк" АТБ
25	Миллий тикланиш равнақи МЧЖ	Шағал қазиб олиш ва қайта ишлаб аҳолига арзон нархда етказиб бериш	450	450		15	2018 йил июль	"Халқ банки" АТБ

№	Лойиха ташаббускори	Лойиха номи	Лойиханинг умумий қиймати, млн.сўм	шундан		Янги иш ўринлари	Ишга тушириш муддати	Хизмат кўрсатувчи банк
				ўз маблағи	банк кредити			
26	"Пахтабод мактаб таълим таъмир" МЧЖ	Қурилиш ва таъмирлаш хизматини ташкил этиш	200	100	100	15	2018 йил июль	"Халқ банки" АТБ
27	ЯТТ "Туланбоев Улугбек"	Ақфа ромлари ишлаб чиқариш	100	100	0	10	2018 йил июнь	"Микрокредит банк" АТБ
28	ЯТТ "Тоштемиров мирзарахмон"	Миллий ширинликлар ишлаб чиқариш	35	5	30	2	2018 йил август	"Халқ банки" АТБ
29	"Шоввозбек" МЧЖ	Қурилиш материаллари (брустчатка) ишлаб чиқаришни ташкил этиш	170	70	100	8	2018 йил июнь	"Микрокредит банк" АТБ
3	Мебель саноатида		590	180	410	31		
30	"Чувама голд" МЧЖ	Мебель, ёғочдан эшик ва ром ишлаб чиқаришни ташкил этиш	450	150	300	20	2018 йил июнь	"Микрокредит банк" АТБ
31	ЯТТ "Тадбиркор Солиев Ҳайрулло"	Мебель ишлаб чиқаришни ташкил этиш	50		50	6	2018 йил сентябрь	"Микрокредит банк" АТБ
32	"Карим сайёд" Ф/Х	Ёғочни қайта ишлашни ташкил этиш	90	30	60	5	2018 йил июль	"Агро банк" АТБ
8	Озик-овқат саноати		3 440	2 130	1 310	120		
33	"Қут барака люкс" МЧЖ	Қандолат маҳсулотлари трикотаж маҳсулотлари	1 500	1 000	500	50	2018 йил сентябрь	"Қишлоққурилиш банк" АТБ
34	"Қодиров Курбонали" ОК	Дуккакли маҳсулотларни кадоқлаш	200	200		16	2018 йил август	"Агро банк" АТБ
35	"Санобархонум" Ф/Х	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва бошқалар	600	250	350	12	2018 йил июль	"Агро банк" АТБ
36	"Пахтабод савдо сотик" МЧЖ	Нон ва нон маҳсулотлар ишлаб чиқариш	450	300	150	12	2018 йил октябрь	"Агро банк" АТБ
37	"Беминнат зилол суви" МЧЖ	Сут маҳсулотларини қайта ишлашни модернизация қилиш	190	100	90	10	2018 йил июль	"Агро банк" АТБ
38	"Шахризода Барно" МЧЖ	Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш	130	50	80	8	2018 йил август	"Микрокредит банк" АТБ
39	"Бурахима она" Ф/Х	Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш	300	200	100	7	2018 йил июль	"Агро банк" АТБ

№	Лойиҳа ташаббускори	Лойиҳа номи	Лойиҳанинг умумий қиймати, млн.сўм	шундан		Янги иш ўринлари	Ишга тушириш муддати	Хизмат кўрсатувчи банк
				ўз маблағи	банк кредити			
40	ЯТТ "Эркинбоев Тўйчибой"	Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш	70	30	40	5	2018 йил август	"Агро банк" АТБ
2	Фармацевтика санаоатида		543	90	453	23		
41	"Кафолат имкон сервис" МЧЖ	Стоматологик дори воситалари ишлаб чиқариш	300	50	250	18	2018 йил август	"Асака банк" АТБ
42	"Diamond Sirius Gold" МЧЖ	Тибиёт бинти ва марли ишлаб чиқаришни ташқил этиш	243	40	203	5	2018 йил июль	"Миллий банк" АТБ

*Лойиҳа 2018 йил ноябрда бошланади ва 2019 йил 3-чоракда фойдаланишга топширилади

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил "II" ИЮНДАГИ 44-сон қарорига
3 - илова

Андижон вилояти Пахтабод туманида 2018 йилда хизмат кўрсатиш соҳасида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ

№	Лойиҳа ташаббускори	Лойиҳа номи	Лойиҳанинг умумий қиймати, млн.сўм	шундан		Янги иш ўринлари	Ишга тушириш муддати	Хизмат кўрсатувчи банк
				ўз маблағи	банк кредити			
42	ТУМАН БЎЙИЧА ЖАМИ		22 320	11 788	10 532	777		
16	Савдо ва умумий овқатланиш хизматлари		2 709	1 357	1 352	129		
1	"Маданият универсал савдо" МЧЖ	Савдо мажмуаси қуриш	550	250	300	35	2018 йил сентябрь	"Миллий банк" АТБ
2	"Маданият универсал савдо" МЧЖ	Чойхона ва умумий овқатланиш шаҳобчаси ташкил этиш	465	465	0	14	2018 йил май	"Миллий банк" АТБ
3	"Ойжамол азиз минерал ўғитлари" МЧЖ	Минерал ўғит сотиш шаҳобчаси ташкил қилиш (вет аптека)	100	100		10	2018 йил август	"Саноатқурилиш банк" АТБ
4	"Ифтифорбек" МЧЖ	Савдо хизматлари фаолиятини йўлга қўйиш	250	50	200	7	2018 йил июль	"Халқ банки" АТБ
5	ЯТТ "Болтабоев Илҳом"	Савдо хизматлари фаолиятини йўлга қўйиш	60	10	50	6	2018 йил июль	"Халқ банки" АТБ
6	"Диёрим камоли" МЧЖ	Савдо хизматлари фаолиятини йўлга қўйиш	300	150	150	6	2018 йил июль	"Ҳамкор банк" АТБ
7	ЯТТ "Мухсинова Ҳамидилло"	Савдо хизматини ташкил этиш	60	10	50	5	2018 йил июль	"Халқ банки" АТБ
8	ЯТТ "Усмонов Лутфулло"	Қандалатчилик махсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш	80	20	60	5	2018 йил май	"Халқ банки" АТБ
9	ЯТТ "Нишонов Ботир"	Савдо хизматлари фаолиятини йўлга қўйиш	110	10	100	5	2018 йил май	"Халқ банки" АТБ
10	ЯТТ "Мамажонов Маъмура"	Савдо хизматлари фаолиятини йўлга қўйиш	74	27	47	3	2018 йил июль	"Халқ банки" АТБ
11	ЯТТ "Жумабоев Муҳаммаджон"	Савдо хизматлари фаолиятини йўлга қўйиш	60	10	50	5	2018 йил июль	"Халқ банки" АТБ

№	Лойиҳа ташаббускори	Лойиҳа номи	Лойиҳанинг умумий қиймати, млн.сўм	шундан		Янги иш ўринлари	Ишга тушириш муддати	Хизмат кўрсатувчи банк
				ўз маблағи	банк кредити			
12	"Қамола гууд оид" МЧЖ	АЁҚШ савдо фаолиятини йўлга қўйиш	200	50	150	5	2018 йил июль	"Халқ банки" АТБ
13	"Мукаммал таъмир сифат" МЧЖ	Қурилиш ва таъмирлаш хизматини йўлга қўйиш	150	100	50	13	2018 йил июль	"Халқ банки" АТБ
14	"Зайниддин муаззам фарм" МЧЖ	Дорихона ташкил этиш	150	50	100	4	2018 йил июль	"Халқ банки" АТБ
15	ЯТТ "Қурбонов Хасанбой"	Савдо хизматлари фаолиятини йўлга қўйиш	65	45	20	4	2018 йил май	"Ҳамкор банк" АТБ
16	ЯТТ "Жумабоев Сайдулло"	Миллий ширинликлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	35	10	25	2	2018 йил июль	"Халқ банки" АТБ
9	Соғлиқни сақлаш ва спорт хизматлари		13 756	7 146	6 610	438		
17	"Бунёдкор қурилиш гранд" МЧЖ	Замонавий сўхатгоҳ ташкил этиш	3 000	3 000		120	2018 йил октябрь	"Ҳамкор банк" АТБ
18	ЯТТ "Абдурахимов Абдухалил"	Тиббий хизмат	676	656	20	40	2018 йил август	"Ҳамкор банк" АТБ
19	"Дурдона" хусусий тиббий хизмат кўрсатиш муассаси	Тиббий хизмат фаолиятини ташкил этиш	800	300	500	30	2018 йил ноябрь	"Асака банк" АТБ
20	"Анджон био кимё заводи" АЖ	Болалар оромгоҳи ташкил этиш	2 690		2 690	30	2019 йил	"Саноатқурилиш банк" АТБ
21	"Назира шифо" МЧЖ	Лаборатория диагностика марказини ташкил этиш	380	95	285	15	2018 йил июль	"Асака банк" АТБ
22	ЯТТ "Рахмонов Дилшодбек"	Савдо хизматлари фаолиятини йўлга қўйиш	30	5	25	2	2018 йил июнь	"Халқ банки" АТБ
23	"Маданият сўхатгоҳи" МЧЖ	Тиббий хизмат фаолиятини кенгайтириш	500	100	400	12	2018 йил август	"Асака банк" АТБ
24	"Мадалиева Тожибархон" ЯТТ	Хусусий шифохона	100	50	50	10	2018 йил октябрь	"Микрокредит банк" АТБ
25	"Обод Диёр Саховати" ФХ	Футбол мини арена қуриш	200	50	150	2	2018 йил сентябрь	"Агро банк" АТБ
8	Транспорт ва автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш		2 805	1 485	1 320	94		
26	ЯТТ "Йигиталиев Зафаржон"	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш	150	50	100	10	2018 йил октябрь	"Миллий банк" АТБ

№	Лойиха ташаббускори	Лойиха номи	Лойиханинг умумий қиймати, млн.сўм	шундан		Янги иш ўринлари	Ишга тушириш муддати	Хизмат кўрсатувчи банк
				ўз маблағи	банк кредити			
27	ЯТТ "Йўлдашев Воҳидилло"	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш	240	70	170	20	2018 йил июль	"Микрокредит банк" АТБ
28	"Пахтабод сой бўйи" МЧЖ	Автомобилларга хизмат кўрсатиш (Таксометр ва Пано (TAXI))	1 400	600	800	20	2018 йил июнь	"Хамкор банк" АТБ
29	ЯТТ "Супургибеков Улғубек"	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш	200	200		15	2018 йил сентябрь	"Микрокредит банк" АТБ
30	ЯТТ "Ҳакимов Нодирбек"	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш	120	20	100	10	2018 йил октябрь	"Агро банк" АТБ
31	ЯТТ "Ақбаров Мирзохид"	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш	465	465		8	2018 йил май	"Миллий банк" АТБ
32	ЯТТ "Рўзиев Йўлчибой"	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш	100	50	50	6	2018 йил сентябрь	"Микрокредит банк" АТБ
33	ЯТТ "Шамситдинов Иброҳим"	Автомобилларга хизмат кўрсатиш	130	30	100	5	2018 йил июль	"Агро банк" АТБ
9	Бошқа турдаги хизматлар		3 050	1 800	1 250	116		
34	ЯТТ "Қўшмаков Икромжон Самадова Махаррамхон"	Маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси (2-этаж) Савдо шахобчалари	400	400		22	2018 йил октябрь	"Миллий банк" АТБ
35	"MIR AGRO EXIM" МЧЖ	Тўйхона хизматини ташкил этиш	250	250		20	2018 йил сентябрь	"Ипотека банк" АТБ
36	"Ал имрон инвест" МЧЖ	Маиший техникаларни таъмирлашни ташкил этиш	800	500	300	18	2018 йил декабрь	"Ипотека банк" АТБ
37	"Абдужалил Раҳим" Ф/Х	Тўйхона хизматини ташкил этиш	900	400	500	18	2018 йил ноябрь	"Агро банк" АТБ
38	ЯТТ "Жумабоева Зиёдахон"	Чеварчилик	200	100	100	16	2018 йил май	"Микрокредит банк" АТБ
39	"Насиба Текстил" МЧЖ	Чеварчилик	200	50	150	12	2018 йил июль	"Микрокредит банк" АТБ
40	ЯТТ "Тожибоев Камрон"	Ҳаммом тишкил этиш	150	50	100	5	2018 йил июнь	"Микрокредит банк" АТБ
41	ЯТТ "Тожибоев Чирмашбой"	Ҳаммом тишкил этиш	150	50	100	5	2018 йил июнь	"Микрокредит банк" АТБ
42	ЯТТ "Долимжонова Жамилахон"	Маиший хизмат кўрсатиш	45	15	30	3	2018 йил май	"Микрокредит банк" АТБ

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил "II" ИЮНДАГИ 441 - сон қарорига
4 - илова

**Андижон вилояти Пахтабод туманида 2018 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ**

№	Лойиҳа ташаббускори	Лойиҳа номи	Лойиҳанинг умумий қиймати, млн.сўм	шундан		Янги иш ўринлари	Ишга тушириш муддати	Хизмат кўрсатувчи банк
				ўз маблағи	банк кредити			
20	ТУМАН БЎЙИЧА ЖАМИ		17 500	13 270	4 230	363		
2	Музлатгич сингимларини ишга тушириш		1 620	650	970	50		
1	"Дехқонов Нуриддин" АТБ	Музлатгич	620	450	170	35	2018 йил август	"Агро банк" АТБ
2	"Юксак ишонч инвест" МЧЖ	Музлатгич	1 000	200	800	15	2018 йил сентябрь	"Микрокредит банк" АТБ
6	Чоравачилик		1 990	550	1 440	26		
3	"Тули форис" МЧЖ	Чорвачиликни ривожлантириш	1 100	100	1 000	10	2018 йил сентябрь	"Халқ банки" АТБ
4	ЯТТ "Мадаминова Нилуфар"	Чорвачиликни ривожлантириш	50	10	40	5	2018 йил июль	"Микрокредит банк" АТБ
5	"Асроридин Ахроридин" ХК	Чорвачиликни ривожлантириш	100	100	0	5	2018 йил июль	"Халқ банки" АТБ
6	"Ҳикматилло чорваси" ХК	Чорвачиликни ривожлантириш	330	180	150	2	2018 йил август	"Халқ банки" АТБ
7	"Абдулазиз чорвадор" ФХ	Чорвачиликни ривожлантириш	350	150	200	2	2018 йил август	"Халқ банки" АТБ
8	ЯТТ "Мирзажонов Мирзакалонбек"	Савдо хизматлари фаолиятини йўлга қўйиш	60	10	50	2	2018 йил июль	"Халқ банки" АТБ
4	Чоравачиликда		12 230	11 330	900	200		

№	Лойиха ташабулсори	Лойиха номи	Лойиханинг умумий қиймати, млн.сўм	шундан		Янги иш ўринлари	Ишга тушириш муддати	Хизмат кўрсатувчи банк
				ўз маблаг	банк кредити			
9	"Рўзгор маркет" МЧЖ	Паррандачилик ташкил этиш	10 000	10 000		100	2018 йил сентябрь	"Агро банк" АТБ
10	"Хуршид тантанаси" МЧЖ	Паррандачилик ташкил этиш	1 000	500	500	50	2018 йил июль	"Ипак йўли банк" АТБ
11	"Тадбиркор Х.Бадалов" ЯТТ	Паррандачилик ташкил этиш	730	730		40	2018 йил июнь	"Хамкор банк" АТБ
12	"Барият Раият" Ф.Х	Паррандачилик ташкил этиш	500	100	400	10	2018 йил ноябрь	"Агро банк" АТБ
3	Иссиқхоналар ташкил қилиш		780	360	420	40		
13	"MIR AGRO EXIM" МЧЖ	Иссиқхона ташкил этиш	600	300	300	25	2018 йил июль	"Ипотека банк" АТБ
14	"Мухлиса Бусеми Леда" МЧЖ	Лимонария ташкил этиш	100	30	70	10	2018 йил май	"Агро банк" АТБ
15	"Темурбек Машхурбек" ФХ	Иссиқхона ташкил этиш	80	30	50	5	2018 йил июль	"Агро банк" АТБ
5	Қишлоқ хўжалигининг бошқа йўналишларида		880	380	500	47		
16	"Супер модул" МЧЖ	Интенсив усулда балиқ етиштириш	5 000	2 500	2 500	25	2019 йил сентябрь	"Ипотека банк" АТБ
17	ЯТТ "Мамажонов Солижон Собиржон ўгли"	Интенсив усулда ёнғокзор ташкил этиш (2-3 йилда ҳосилга қиради)	200	200		16	2018 йил август	"Агро банк" АТБ
18	"Санграобод чорваси" Х.К	Интенсив боғ (ёнғокзор) ташкил этиш	230	30	200	15	2018 йил август	"Микрокредит банк" АТБ
19	"Асрорбек -Алимардон гузари" МЧЖ	Интенсив усулда ёнғокзор ташкил этиш (2- 3 йилда ҳосилга қиради)	400	100	300	10	2018 йил май	"Микрокредит банк" АТБ
20	ЯТТ "Нургунов Орифжон"	Интенсив усулда ёнғокзор ташкил этиш (2-3 йилда ҳосилга қиради)	50	50		6	2018 йил август	"Агро банк" АТБ

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил "11" **ИЮНДАГИ** 441 сон қарорига
5 - илова

Анджикон вилояти Пахтабод туманида 2018 йилда миллий ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган лойиҳаларнинг
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

№	Маҳалла номи	Лойиҳа ташаббускори	Лойиҳа номи	Лойиҳанинг умумий қиймати, млн.сўм	шундан		Янги иш ўрин	шундан, шогирд	Ишга тушириш муддати	Хизмат кўрсатувчи банк
					ўз маблағи	банк кредити млн.сўм				
Туман бўйича ЖАМИ										
1	"Гулдиёр" МФЙ	Исмоилов Улугбек	Ёғоч ўймакорлиги услубида бажарилган барча амалий-безак санъат турлари.	30	20	10	6	5	Июль	"Микрокредит банк" АТБ
2	"Сой" МФЙ	Нишонов Нилуфар	Гул босилган газламалар ва чокли буюмлар	30	20	10	6	5	Июль	"Микрокредит банк" АТБ
3	"Сой" МФЙ	Шербоева Насиба	Гул босилган газламалар ва чокли буюмлар	25	20	5	6	5	Июль	"Микрокредит банк" АТБ
